

**ГЕНЕТИКА ВА ЎСИМЛИКЛАР ЭКСПЕРИМЕНТАЛ
БИОЛОГИЯСИ ИНСТИТУТИ ХУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР
БЕРУВЧИ DSc.02/30.12.2019.В.53.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

АНДИЖОН ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ

ЮЛДАШЕВ АКМАЛ АХМАДЖОНОВИЧ

**ҒЎЗА ВА СОЯ ЎСИМЛИКЛАРИНИ ДЕТЕРМИНАНТ ТИПДА
ЎСИШИНИНГ ГЕНЕТИК ТАБИАТИ ВА АНАТОМИК ТУЗИЛИШИ**

**03.00.09-Умумий генетика
03.00.05-Ботаника**

**БИОЛОГИЯ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент – 2021

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси автореферати мундарижаси
Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD)
Contents of dissertation abstract of doctor of philosophy (PhD)

Юлдашев Акмал Ахмаджонович

Вўза ва соя ўсимликларини детерминант типда ўсишининг генетик табиати ва анатомик тузилиши..... 3

Юлдашев Акмал Ахмаджонович

Анатомическое строение и генетическая природа детерминантного типа роста растений хлопчатника и сои..... 21

Yuldashev Akmal Akhmadjonovich

Anatomical structure and genetic nature of the determinant type of growth of cotton and soybean plants..... 39

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ

List of published works..... 42

**ГЕНЕТИКА ВА ЎСИМЛИКЛАР ЭКСПЕРИМЕНТАЛ
БИОЛОГИЯСИ ИНСТИТУТИ ХУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР
БЕРУВЧИ DSc.02/30.12.2019.В.53.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

АНДИЖОН ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ

ЮЛДАШЕВ АКМАЛ АХМАДЖОНОВИЧ

**ҒЎЗА ВА СОЯ ЎСИМЛИКЛАРИНИ ДЕТЕРМИНАНТ ТИПДА
ЎСИШИНИНГ ГЕНЕТИК ТАБИАТИ ВА АНАТОМИК ТУЗИЛИШИ**

**03.00.09-Умумий генетика
03.00.05-Ботаника**

**БИОЛОГИЯ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент – 2021

Фаласафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузурдаги Олий аттестация комиссиясида В2020.4.PhD/B188 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация иши Андижон давлат университетидида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгашнинг веб-саҳифасида (www.genetika.uz) ҳамда «Ziyounet» Ахборот-таълим порталида (www.ziyounet.uz) жойлаштирилган.

Илмий раҳбарлар:

Абзалов Мирадхам Фузаилович

биология фанлари доктори, профессор

Дусчанова Гулжан Мадримбаевна

биология фанлари доктори

Расмий оппонентлар:

Ахмедов Жамолхон Ходжахонович

биология фанлари доктори, профессор

Хамраева Диловар Толибджоновна

биология фанлари доктори

Етакчи ташкилот:

Мирзо Улугбек номидаги Ўзбекистон Миллий университети

Диссертация химояси Генетика ва ўсимликлар экспериментал биологияси институти ҳузурдаги DSc.02/30.12.2019.B.53.01 рақамли Илмий кенгашнинг 2021 йил «29» апрель куни соат 13⁰⁰ даги мажлисида бўлиб ўтади (Манзил: 111226, Тошкент вилояти, Қибрай тумани, Юқори юз. Генетика ва ўсимликлар экспериментал биологияси институти мажлислар зали. Тел.: (+99871) 264-23-80, факс (+99871) 264-23-90, e-mail: igebr_anguz@mail.ru).

Диссертация билан Генетика ва ўсимликлар экспериментал биологияси институтининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин 062 рақами билан рўйхатга олинган). Манзил: 111226, Тошкент вилояти, Қибрай тумани, Юқори юз. Тел.: (+99871) 264-23-90.)

Диссертация автореферати 2021 йил «16» апрель куни тарқатилди.
(2021 йил «16» апрель даги 35 рақамли реестр баённомаси).



[Handwritten signature]

И.Дж. Курбанбаев

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш раиси, б.ф.д.

[Handwritten signature]

Б.Х. Аманов

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш илмий котиби, б.ф.д., катта илмий ходим

[Handwritten signature]

Ш. Юнусханов

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш қошидаги илмий семинар раиси, б.ф.д., профессор

КИРИШ (фалсафа доктори PhD диссертация аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Дунёда ғўза ўсимлиги қишлоқ хўжалигининг энг муҳим техник экинларидан бири ҳисобланади. «БМТнинг озиқ-овқат ва қишлоқ хўжалиги ташкилот маълумотларига кўра, соя (*Glycine max* L.) ўсимлиги 126,3 млн. гектар экин майдонни ташкил этиб, 357,1 млн. тонна ҳосил йиғиб олинмоқда»¹. Шу ўринда, дунё миқёсида етиштирилаётган ғўза ва соя навларининг ташқи муҳитнинг ноқулай омиллар чидамлигини ва иқтисодий самарадорлигини ошириш учун экин майдони бирлигидан олинмаган ҳосил миқдори ҳамда қиммали хўжалик кўрсаткичларини юқори даражага етказиш муҳим амалий аҳамият касб этади.

Жаҳонда ғўза ва соя ўсимликларининг маданий навларини генетик хилма-хилликларидан фойдаланиш орқали индетерминант, ярим детерминант ва детерминант типдаги шаклларнинг морфоҳўжалик белгиларини яхшилашга йўналтирилган илмий изланишларга катта эътибор берилмоқда. Бу эса зичлаштириб экишга мослашган ғўза ва соя навларини яратиш, ўсиш типини ирсийланиши, морфо-хўжалик белгиларининг наслдан наслга ўтиши, поянинг морфо-анатомик тузилишини таҳлил қилиш, тезпишарлик, ҳосилдорлик, тола чиқимининг ирсий бошқарилиши хусусиятларини аниқлаш, ноаллел генларнинг ўзаро таъсирини таҳлил қилиш, ташқи муҳитнинг стресс омилларига чидамли ҳамда машина теримига мослашган саноатбоп янги навларни яратиш устувор йўналишларга алоҳида эътибор берилмоқда.

Республикамизда сўнгги йилларда зичлаштириб экишга мослашган янги ғўза ва соя навларини яратиш бўйича амалга оширилган чора тадбирлар асосида пахтачилик ва дуккакли ўсимликларда серҳосил, ташқи муҳитни ноқулай омиллар таъсирига ирсий жиҳатдан чидамли ғўза ва соя навларини яратиш ва ишлаб чиқаришга жорий этиш бўйича муайян натижаларга эришилмоқда. Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегиясида «юқори маҳсулдорликка эга, касаллик ва зараркунандаларга чидамли, маҳаллий тупроқ-иқлим ва экологик шароитларга мослашган қишлоқ хўжалиги экинларининг янги селекция навларини яратиш ҳамда ишлаб чиқаришга жорий этиш бўйича илмий-тадқиқот ишларини кенгайтириш»² ҳақида алоҳида таъкидлаб ўтилган. Ушбу вазифалардан келиб чиққан ҳолда ғўза ва соя навларини яратишда генетик, селекцион, анатомик ҳамда морфобиологик хусусиятларини ўрганишга йўналтирилган фундаментал тадқиқотларни олиб бориш муҳим аҳамият касб этади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги, 2018 йил 17 апрелдаги ПФ-5418-сон

¹ОЭСР / ФАО 2019 база данных DOI: dx.doi.org/10.1787/agr-outl-data-en

²Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида» ги Фармони.

«Қишлоқ ва сув хўжалиги давлат бошқаруви тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги, 2019 йил 17 июндаги ПФ-5742-сон «Қишлоқ хўжалигида ер ва сув ресурсларидан самарали фойдаланиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги фармонлари, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 14 мартдаги ПҚ-2832 сон «2017-2021 йилларда Республикада соя экиш ва соя ловияларини кўпайтиришни ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишга ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги. Мазкур тадқиқот республика фан ва технологиялар ривожланишининг V. «Қишлоқ хўжалиги, биотехнология, экология ва атроф-муҳит муҳофазаси» фундаментал устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Ғўза ўсимлигининг паст бўйли ва зичлаштириб экишга мослашган навларини яратиш бўйича S.O. Cowlick (1972), Д.Д. Брежнев (1973, 1974), А.М. Гусейнов, А.Н. Гусейнов (1976), S.O. Davis (1978), ғўза ўсимлигининг барг шакли генетикаси ва физиологиясини ўрганиш бўйича T.R. Richmond, R.E. Harper (1973), S.G. Stephens (1945), X.A. Абдуллаев (2001; 2013) каби хорижий олимлари, республикада *G.hirsutum* L. турининг чигитда тола ва тукни ривожланиши бўйича Д.А. Мусаев (1979), М.Ф. Абзалов (2010), ғўза селекция бўйича X. Сайдалиев (2018), ғўза ўсимлигини туп тузилиши, асосий поянинг ўсиш типи, шохланиш типи, барг шаклининг тузилиши, уларнинг генетикаси ҳамда фенотипикаси бўйича Д.А. Мусаев (1979; 1983; 1990; 1992), М.Ф. Абзалов (1983, 1991, 2010), А.А. Абдуллаев (1974), У.К.Наджимов (1983), Г.Н. Фатхуллова (1983), З.Р. Хаитова (1991), М.С.Мирахмедов (1994), С.Ғ. Бобоев (2018), М.Ф. Санамян (2018) ғўзанинг ёввойи ва маданий турларини морфо-анатомик тузилиши бўйича В.П. Клят (1984, 1985), А.С.Дариев (1975, 1976, 1980), А.С. Дариев, А.А. Абдуллаевлар (1974,1985), А.Ш. Маматюсупов (2006), А.А. Абдуллаев, А.С. Дариев, М.В.Омельченко (2010), Н.В. Тутушкина (2017) ва бошқа олимлар томонидан тадқиқотлар олиб борилган.

Соя ўсимлигининг ўсиш типи ва генетикаси бўйича Д.Ё. Ёрматова (2004), X.H. Атабаева (2004), М.Ф. Абзалов (2010, 2018, 2019), Н.Р. Баратова (2010), В.Б. Енкен (1959), R.L. Bernard (1972), J.S. Beaver (1985), А.К. Лещенко (1987), М.А. Вишнякова (2005), В.Е. Розенцвейг (2006), Thomas Devine (2006), Е.М. Фокина (2015, 2018), Н.Д. Фоменко, Г.Н.Беляева, Е.Н. Мельникова, С.А. Титов, Е.М. Фокина (2016) томонидан илмий тадқиқот ишлари олиб борилган. Бундан ташқари соя дуккакларининг чатнаб кетишини морфо-анатомик тузилиши асосида чидамлилиқ хусусиятлари ҳамда селекциядаги аҳамияти бўйича С.В. Зеленцов, Е.В. Мошненко, Е.Н. Будников, А.А. Ткачёва (2014, 2015, 2017) каби чет эл олимлари ишларида ёритилган.

Бирок, айнан *G. hirsutum* L. ва *Glycine max* L. турларига мансуб нав ва тизмаларнинг генетик табиати ҳамда морфологик белгиларнинг генетик структураси, ғўзада барг шаклини таъмин этувчи генлар билан ҳосил шохларни ривожлантирувчи генларни генотипда ўзаро муносабатларининг фенотипик эффекти, анатомик тузилишини ўрганиш ва ўсиш типларининг ўзгариши ҳамда уларнинг генетик барқарорлигини баҳолашга йўналтирилган илмий тадқиқотлар етарли даражада олиб борилмаган.

Диссертация тадқиқотининг диссертация бажарилган олий илмий ёки илмий-тадқиқот муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Диссертация тадқиқоти Генетика ва ўсимликлар экспериментал биологияси институти илмий-тадқиқот ишлари режасининг №Ф5-Т027 «Ќўза ва буғдойда қимматли хўжалик белгиларининг ҳамда чидамлилиқнинг ирсийланиш ва ўзгарувчанлик қонуниятларини ўрганиш», №ВА-ФА-А-8-006 «Соянинг генофондини сақлаш, ажратилган генетик коллекция тизмалари Ген-4, Ген-8, Ген-14, Ген-24 тизмалар уруғини кўпайтириш учун фенотипик кузатувларни ўтказиш» мавзуларидаги фундаментал ва амалий лойиҳалари доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади детерминант типдаги ғўза ва соя ўсимликларини генетик табиати ва поя апикал меристемасининг анатомик тузилишини ўсиш типига боғлиқлиги ҳамда поядаги бўғим ва ярусларининг структуравий хусусиятларини аниқлашдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

ғўзанинг детерминант ва индетерминант типдаги нав ва тизмаларининг сифат белгиларини таҳлил қилиш ҳамда уларни оддий ва мураккаб дурагайлаш;

оддий ва мураккаб F_1 - F_2 дурагайларида барг шакли, ҳосил шохи, поянинг ўсиш типи каби сифат белгиларининг ирсийланиш хусусиятларини гибридологик таҳлил қилиш;

янги ирсий жиҳатдан бойитилган генотиплардан ўрта толали “0” типли индетерминант рекомбинант шакллар ажратиб олиш;

соянинг индетерминант, ярим детерминант ва детерминант шаклли навларини ўзаро дурагайлаш асосида олинган F_1 - F_2 ўсимликларида гул ранги ва поянинг ўсиш типини ирсийланишини генетик таҳлил қилиш;

ғўза ва соя ўсимликлари нав ҳамда тизмаларида поя апикал меристемасининг анатомик тузилишини ўсиш типига боғлиқ ҳолда таҳлил қилиш;

ғўза ва соя ўсимликлари нав ҳамда тизмаларида поянинг бўғим ва ярусларини анатомик тузилишини ўрганиш, характерли диагностик белгиларни аниқлаш.

Тадқиқотнинг объекти сифатида *G. hirsutum* L. ва *Glycine max* L. турларига мансуб нав, тизма ва уларнинг дурагайлари: ғўзанинг «Гулбахор», «Наманган-77», «Омад», «Ишонч» навлари ва «Детерминант-1», «Детерминант-2», «Детерминант-3» тизмалари, соянинг «Генетик-1», «Сочилмас», «Дўстлик» навларидан фойдаланилди.

Тадқиқотнинг предмети ғўза ва соя ўсимликлари тизма ва навларининг генетик, морфологик, анатомик, фенотипларнинг генетик бошқарилиши ҳамда белгиларни назорат этувчи генларнинг ўзаро муносабатлари таҳлили ҳисобланади.

Тадқиқотнинг усуллари. Диссертацияда лаборатория ва дала тадқиқотлари, морфологик, анатомик, фенологик, дурагайлаш, гибридологик таҳлил усуллари ҳамда генетик-статистик таҳлил усулларидан фойдаланилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

илк бор ғўзанинг ҳосил шохларини фенотипик намоён бўлишида асосий ген S-s ва ёрдамчи генлар S_1-s_1 , S_2-s_2 таъсирида ривожланиши исботланган;

ғўза ўсимлигининг детерминант типдаги шаклларида In^1-in^1 , O_1-o_1 , S-s ва ёрдамчи S_1-s_1 , S_2-s_2 генларининг генотипдаги ўзаро муносабати тўлиқ очиқ берилган;

мураккаб дурагайлаш орқали *G. hirsutum* L. турида $sss_1s_1s_2s_2$ – генотипга эга «0» типли шакллар ажратилиб олинган;

илк бор ғўза ва соя ўсимлик нав ва тизмаларида поя апикал меристемасининг анатомик тузилишини ўсиш типига боғлиқ ҳолда детерминант типдаги поянинг вегетатив апекси репродуктив ҳолатга ўтиши, тўпгулнинг ривожланиши натижасида флорал апикал меристемага айланиши исботланган;

ғўза ва соя ўсимлик нав ва тизмаларида поя ярусларининг анатомик тузилишини ўрганиш асосида характерли диагностик белгилар, шунингдек, ўсимликларнинг мослашиши натижасида қадимий ва ёш белгилар аниқланган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

F_1 мураккаб дурагай ўсимликлар популяцияси орасидан зичлаштириб экишга мос *G. hirsutum* L. турига мансуб «0» типдаги шакллар ажратиб олинган;

ғўза ва соя ўсимлик нав ва тизмалари поясининг анатомик тузилишини ўрганиш асосида туркум турларини аниқлашда қўлланиладиган таксономик диагностик белгилар ажратилган;

ғўзанинг детерминант типдаги тизмаларининг генотиплари аниқланган ва амалий селекция ишларида фойдаланиш учун ажратиб олинган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги олиб борилган кўп йиллик тажрибаларнинг услубий жиҳатдан тўғри ўтказилганлиги, назарий ва амалий натижаларнинг бир-бирига мослиги, олинган илмий натижаларнинг статистик таҳлил қилинганлиги, илмий тадқиқот натижаларининг халқаро ва республика илмий-амалий анжуманлардаги муҳокамаси ҳамда етакчи илмий нашрларда чоп этилганлиги, олинган натижалар генетик, анатомик ва статистик таҳлилларга асосланганлиги, шунингдек, тадқиқот ишининг амалий натижалари тегишли давлат ташкилотлари томонидан тасдиқланганлиги ва амалиётга жорий этилганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти *G. hirsutum* L. турининг детерминант типдаги тизмаларининг генотиби аниқланганлиги, ғўза ва соя ўсимлиги поясининг апикал меристемаси, бўғим ва ярусларининг анатомик тузилишининг ўрганилганлиги, детерминант типдаги нав ва тизмаларини ўсиш типига боғлиқ ҳолда ажратиб олиш механизмлари очиб берилганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти олинган натижаларни келгусида зичлаштириб экишга мослашган ва бир теримли детерминант типда ўсувчи ғўзанинг «0» типли шакллари қишлоқ хўжалигига жорий этиш ва юқори ҳосил олиш орқали иқтисодий самарадорликка эришиш, соя ўсимлигини фермер хўжаликлари тизимида такрорий экин сифатида етиштириш, озиқ-овқат саноати учун ҳамда зарур хом ашё билан таъминланишига хизмат қилиши билан асосланади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Ғўза ва соя ўсимликларини детерминант типда ўсишининг генетик табиати ва анатомик тузилиши бўйича олинган натижалар асосида:

ғўзанинг «0» типли «Детерминант-1», «Детерминант-2» ва «Детерминант-3» тизмалари №Ф5-Т027 «Ғўза ва буғдойда қимматли хўжалик белгиларининг ҳамда чидамлилиқнинг ирсийланиш ва ўзгарувчанлик қонуниятларини ўрганиш» лойиҳада ғўза ўсимлигида пояни ўсиш типлари нишонли (маркерли) морфобиологик ҳамда айрим хўжалик белгиларининг ирсийланишини аниқлашда фойдаланилган (Ўзбекистон Республикаси Фанлар академиясининг 2020 йил 28 октябрдаги 4/1255-2320-сон маълумотномаси). Натижада ғўзанинг ўрта толали тизмаларида ўсимлик сонини кўпайтириш ҳисобига кўшимча ҳосил олиш имконини берган;

ғўзанинг детерминант шаклдаги тизмалари «Ғўза генофонди» ноёб объекти коллекциясига киритилган (Ўзбекистон Республикаси Фанлар академиясининг 2020 йил 28 октябрдаги 4/1255-2321-сон маълумотномаси). Натижада бу тизмалар ўрта толали ғўза коллекцияси хилма-хиллигини бойитиш бўйича электрон маълумотлар базасини яратиш имконини берган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Тадқиқот натижалари 14 та, жумладан 7 та халқаро ва 7 та республика илмий-амалий анжуманларда муҳокамадан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Диссертация мавзуси бўйича жами 22 та илмий ишлар чоп этилган, шулардан 1 та ўқув қўлланма, Ўзбекистон Республикаси Олий Аттестация Комиссиясининг докторлик диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 3 та мақола, жумладан, 2 таси республика ва 1 таси хорижий журналларда нашр этилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация таркиби кириш, тўртта боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловалардан иборат. Диссертация ҳажми 104 бетни ташкил этади.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида тадқиқотнинг долзарблиги ва аҳамияти асосланган, тадқиқотнинг мақсади ва вазифалари, объекти ва предмети тавсифланган, тадқиқотнинг Республика фан ва технологияларни ривожлантиришнинг устувор йўналишларига мослиги кўрсатилган, тадқиқотнинг илмий янгилиги ва амалий натижалари келтирилган, олинган натижаларнинг илмий ва амалий аҳамияти ёритилган, тадқиқот натижаларининг амалиётга жорий этилиши, нашр қилинган ишлар ва диссертациянинг тузилиши ҳақида маълумотлар берилган.

Диссертациянинг «**Ғўза ва соянинг ривожланиш биологияси ва аҳамияти**» деб номланган биринчи бобида ғўза ва соя ўсимликларининг морфологияси, анатомияси, генетикаси, дунё бўйича экин майдони, ҳосилдорлиги ва улардан тайёрланадиган маҳсулотлар тўғрисида маҳаллий ва хорижий олимларнинг илмий изланишлари натижаларининг таҳлиliga бағишланган.

Диссертациянинг «**Тадқиқот объекти ва услулари, тажриба олиб борилган ҳудуднинг иқлим шароити**» деб номланган иккинчи бобида тадқиқот объектларининг тавсифлари ва услулари, тажриба олиб борилган ҳудудларнинг иқлим шароити баён қилинган.

Ғўза навлари, тизмалари ва уларнинг дурагайлари устида илмий тадқиқот ишлари ЎЗР ФА Генетика ва ўсимликлар экспериментал биологияси институтининг Тошкент вилояти Занги ота туманида жойлашган минтақавий экспериментал базасининг тажриба майдонида олиб борилган. Соя навлари ва уларнинг дурагайлари устидаги илмий тадқиқот ишлари Андижон давлат университетининг Андижон вилояти, Улуғнор туманида жойлашган тажриба майдонида олиб борилган.


Ғўза ва соя ўсимлик нав ва тизмаларида олиб борилган барча амалий тадқиқотлар натижаларини айрим морфобиологик ҳамда хўжалик белгиларини статистик таҳлил қилишда Б.А. Доспехов (1985), М.Е. Лобашев (1967), барглари фенотипик синфлар бўйича таснифлашда М.Ф. Абзалов (1991, 2010), анатомик тадқиқотлар Р.П. Барыкина, Т.Д. Веселова, А.Г.Девятов (2004), поянинг асосий тўқима ва хужайраларни тавсифлаш К.Эсау (1969), Н.С. Киселева (1971), Л.И. Лотова (2007), поя хужайраларнинг микдорий кўрсаткичларининг статистик таҳлили Г.Н. Зайцев (1991) услуларидан фойдаланилган.

Диссертациянинг «**Ғўза ва соя ўсимликларида морфобиологик белгилар генетикаси**» деб номланган учинчи бобида *G. hirsutum* L. нав ва тизмаларининг оддий ва мураккаб дурагайларида барг шакли, ҳосил шохи ва ўсиш типининг ирсийланиши ҳамда *Glycine max* L. нав ва уларнинг дурагайларида туп тузилишининг ирсийланиши ва бу белгини таъмин этувчи $D_{t1}-d_{t1}$, $D_{t2}-d_{t2}$ ген аллелларининг ўзаро таъсирини ўрганишга бағишланган.

Биринчи ва иккинчи бўлимларда *G. hirsutum* L. нав ва тизмаларининг оддий ва мураккаб дурагайларида барг шакли, ҳосил шохи ва ўсиш типининг ирсийланиши бўйича олинган натижалар таҳлил қилинган. Мутант ген In^1-in^1

ни, барг шаклига жавобгар O_1 , O_1^s ва o_1 генлар барг шаклини генетик назорати ушбу генлар функциялари бўйича қуйидагича ўзаро таъсирда бўлади. In^1In^1 доминант гомозигот ҳолатда барг шаклини назорат қилувчи генларнинг аллел ҳолатидан қатъий назар, ўсимликнинг бутун ўсув даврида баргни яхлит ($In^1In^1o_1o_1$ думалоқ, $In^1In^1O_1o_1$ тухумсимон, $In^1In^1O_1^so_1$ - ланцетсимон) ҳолатда бўлишини таъминлайди. Бу генни гетерозигот (In^1in^1) ҳолати барг шаклини уч бўлаккли ($In^1in^1o_1o_1$ уч киртикли, $In^1in^1O_1o_1$ уч кесилган, $In^1in^1O_1^so_1$, $In^1in^1O_1O_1$ уч қирқимли, $In^1in^1O_1^sO_1^s$ ўта уч қирқимли ҳолатда), мутант генни рецессив гомозигота (in^1in^1) ҳолати баргни беш бўлаккли ($in^1in^1o_1o_1$ беш киртикли, $in^1in^1O_1o_1$ беш кесилган, $in^1in^1O_1^so_1$, $in^1in^1O_1O_1$ беш қирқимли, $in^1in^1O_1^sO_1^s$ ўта беш қирқимли) фенотипларини намоён қилади (1-жадвал).

Ҳосил шохларни чекланмаган, чекланган ҳамда «0» типда бўлишини асосий ген $S-s$ ва ёрдамчи генлар S_1-s_1 , S_2-s_2 таъсирида ривожланади (Мусаев, 1979). Чекланган, чекланмаган ҳосил шохларни биринчи бўғимини узун ёки қисқа бўлиши ёрдамчи генларнинг доминант аллелларининг сони асосида таъминланади (1-расм). Янги мутант ген доминант гомозигот In^1In^1 ҳолатда асосий генни рецессив гомозигота ҳолати, ёрдамчи генларни аллел ҳолатларидан қатъий назар (In^1In^1ss--) ўсимликда пояни янги типда детерминант поя шаклланишини таъминлайди. In^1 ген ss генни экспрессиясига негатив таъсир натижасида, пояни апикал қисми 60-70 см. да мева (ғунча, гул, кўсак) билан тугалланишига олиб келиб, пояни апикал қисмидан пастки бўғимларда «0» типли симподия (мева шохи) поя билан барг қўлтиғида ривожланади. Асосий ген S гомо-гетерозигот ҳолатда чекланмаган ҳосил шохи ривожланиб, апикал меристема фасциация ҳолатига ўтади. Апикал меристемада 2-3 та мева шохчалар ҳосил бўлади ва ўсимлик ўсишдан тўхташи кузатилди (2-жадвал).



1 – расм. *G. hirsutum* L. турининг ҳосил шохлари ва уларни кенжа типлари

***G. hirsutum* L. оддий ва мураккаб дурагайларида барг шаклининг ирсийланиши**

№	Ашё	n	Барг шакли									Назарий нисбат	χ^2	P
			Яхлит			Уч бўлакли			Беш бўлакли					
			Ланцет- симон	Тухум- симон	Думалок	Уч кир- тикли	Уч ке- силган	Уч кир- қимли	Беш кир- тикли	Беш ке- силган	Беш кир- қимли			
1	Гул.	31							31					
2	F ₁ (Гул. х Детер. -3)	26						26						
3	F ₂ (Гул. х Детер. -3)	95	8	11	6	13	24	9	7	12	5	1:2:1:2:4:2:1:2:1	1,926	0,99-0,98
4	Детер. -3	27	27											
5	F ₁ (Гул. х Детер.-3) х (Омад х Детер.-1)	65		12	4	10	15	7	5	8	4	3:1:2:4:2:1:2:1	0,908	>0,99
6	Омад	32							32					
7	F ₁ (Омад х Детер. -1)	27					27							
8	F ₂ (Омад х Детер. -1)	146		26	9	20	34	18	12	18	9	3:1:2:4:2:1:2:1	1,324	0,99-0,98
9	Детер. -1	26		26										
10	F ₁ (Гул. х Детер.-3) х (Ишонч х Детер.-2)	81		18	4	11	22	7	6	10	3	3:1:2:4:2:1:2:1	2,951	0,90-0,80
11	Ишонч	31							31					
12	F ₁ (Ишонч х Детер. -2)	27				27								
13	F ₂ (Ишонч х Детер. -2)	49			12	22			15			1:2:1	0,878	0,70-0,50
14	Детер.-2	23			23									
15	F ₁ (Ишонч х Детер.-2) х (Омад х Детер.-1)	79		13	8	15	25		5	13		3:1:6:2:3:1	5,726	0,50-0,30
16	Нам.-77	31							31					
17	F ₁ (Нам. -77 х Детер. -2)	25				25								
18	F ₂ (Нам. -77 х Детер. -2)	118			27	59			32			1:2:1	0,424	0,90-0,80
19	F ₁ (Нам.-77 х Детер.-2) х (Омад х Детер.-1)	85		16	7	15	26		8	13		3:1:6:2:3:1	5,322	0,50-0,30

Эслатма: * Гул. – Гулбаҳор, Нам. – Наманган, Детер. – Детерминант.

G. hirsutum L. дурагайларида ҳосил шохи ва туп тузилишининг ирсийланиши

№	Ашё	n	Туп тузилиши				Назарий нисбат	χ^2	P
			Индетер. чекланмаган	Индетер. чекланган	Фасиация чекланмаган	Детер. "0" - тип			
1	Гулбаҳор	31	31						
2	F ₁ (Гул. х Детер.-3)	26	26						
3	F ₂ (Гул. х Детер.-3)	95	54	16	17	8	9:3:3:1	0,944	0,90-0,80
4	Детерминант-3	27				27			
5	F ₁ (Гул. х Детер.-3) х (Омад х Детер.-1)	65	34	15	10	6	9:3:3:1	2,145	0,70-0,50
6	Омад	32	32						
7	F ₁ (Омад х Детер.-1)	27	27						
8	F ₂ (Омад х Детер.-1)	146	86	25	26	9	9:3:3:1	0,460	0,95-0,90
9	Детер.-1	26				26			
10	F ₁ (Гул. х Детер.-3) х (Ишонч х Детер.-2)	81	39	20	15	7	9:3:3:1	3,214	0,50-0,30
11	Ишонч	31	31						
12	F ₁ (Ишонч х Детер.-2)	27	27						
13	F ₂ (Ишонч х Детер.-2)	49	28	9	8	4	9:3:3:1	0,451	0,95-0,90
14	Детер.-2	23				23			
15	F ₁ (Ишонч х Детер.-2) х (Омад х Детер.-1)	79	41	17	14	7	9:3:3:1	1,495	0,70-0,50
16	Нам.-77	31	31						
17	F ₁ (Нам.-77 х Детер.-2)	25	25						
18	F ₂ (Нам.-77 х Детер.-2)	118	66	25	20	7	9:3:3:1	0,599	0,90-0,80
19	F ₁ (Нам.-77 х Детер.-2) х (Омад х Детер.-1)	85	42	20	16	7	9:3:3:1	2,278	0,70-0,50

Эслатма: * Гул. – Гулбаҳор, Индетер. – Индетерминант, Нам. – Наманган, Детер. – Детерминант.

Олиб борилган тадқиқотларимизда мураккаб дурагайлаш натижасида ҳосил бўлган ўсимликлар орасидан барг шакли беш киртикли, ҳосил шохлари нормада «0» типда бўлган ўсимликлар ажралиб чиқди. Бунинг генетик сабаби F₁ ўсимликлардаги мейоз жараёнида ҳосил бўлиши мумкин бўлган рецессив ҳолатдаги гаметаларнинг (in¹o₁ss₁s₂) учрашиши натижасида ҳосил бўлган уруғлар ҳисобига мавжуд бўлади ва уларнинг генотиби куйидагича генотип in¹in¹o₁o₁sss₁s₁s₂s₂ асосида содир бўлган (1, 2-жадвал).

Учинчи бўлимда соянинг ярим детерминант х детерминант ҳамда, детерминант х индетерминант шакллари дурагайлаш орқали ўсиш типи ва гул рангининг ирсийланиши ўрганилган. Соя ўсимлигида поянинг ўсиш типини назорат қилувчи Dt₁-dt₁, Dt₂-dt₂ ноаллел генлари ва гул рангини таъмин этувчи W₁-w₁ генлари эркин ирсийланади ва уларни ўзаро таъсирини куйидагича ифодалаш мумкин. W₁>w₁ тўлиқ устунлик қилади ва гул рангининг W₁_ бинафша, w₁w₁ оқ фенотипда бўлишини таъминлайди. Ўсимлик асосий поясининг тузилиши икки аллел бўлмаган генларнинг ўзаро нокумулятив полимер таъсири натижасида, Dt₁ ген доминант гомо ва


гетерозигот ҳолатда, Dt_2 ген қайси аллеллари бўлишидан катъий назар ўсимлик поясининг индетерминант типда ўсишини, Dt_1 геннинг рецессив гомозигот (dt_1dt_1) ҳолатга келиши Dt_2 ни доминант гомо-гетерозигот ҳолатида ўсимлик поясининг ўсиш типи ярим детерминант, Dt_1 ва Dt_2 ноаллел генларнинг рецессив гомозигот ҳолати ($dt_1dt_1dt_2dt_2$) эса ҳақиқий детерминант типда ўсувчи ўсимликларнинг ривожланишига олиб келиши аниқланган.

Диссертациянинг «**Вўза ва соя ўсимликлари поясининг апикал меристема, бўғим, ярусларининг анатомик тузилиши ва характерли диагностик белгилари**» деб номланган тўртинчи бобида ўза ва соя ўсимликларининг детерминант, ярим детерминант ва индетерминант шаклларда поянинг анатомик тузилиши ўрганилган.

Биринчи ва иккинчи бўлимларда ўза ва соянинг ғунчалаш фазасида индетерминант типдаги «Наманган-77», «Дўстлик» навлари, ярим детерминант типдаги «Сочилмас» нави ҳамда детерминант типдаги «Детерминант-2», «Детерминант-3» тизмалари, «Генетик-1» нави пояларининг апикал меристемасининг анатомик тузилиши ўрганилган. «Наманган-77» ва «Дўстлик» навлари поясининг апикал меристемасида асосий поя моноподиал шохларининг 1-бўғими учки қисмининг вегетатив ва генератив куртаклари яхши ривожланган бўлиб, баргнинг бошланғич муртаклари, учки куртаклар, 2-тартибдаги куртаклар, ғунчанинг иккита бошланғич муртаги ва ўтказувчи боғламлардан ташкил топган. Бажарадиган вазифасига кўра, куртаклар икки типга – вегетатив ва генератив куртакларга бўлинади. Поянинг апикал меристемасида вегетатив куртакларда биринчи тартибдаги пояларнинг чекланмаган типда ўсишининг давом этиши, моноподиал шохланиши ва бўғим ораликларининг мос равишда бир хил узунликда бўлишининг устунлик қилиши аниқланди. Генератив куртак муртагининг ўсиш конуси бирмунча яссиланган ва кенгайган бўлиб, генератив органлари ҳосил бўлиши аниқланган (2-расм). Соянинг ярим детерминант типдаги «Сочилмас» нави ва детерминант типдаги «Генетик-1» навларининг асосий фацияланган поянинг апикал меристемаси ҳамда ўзанинг «Детерминант-2», «Детерминант-3» тизмалари асосий пояларининг апикал меристемасининг барг қўлтиғида генератив куртак яхши ривожланган бўлиб, баргнинг бошланғич муртаклари, ғунчанинг иккита муртаги, терминал ғунча, асосий қўлтиқ ости куртаклари, иккинчи терминал ғунчанинг бошланғич муртаклари ва ўтказувчи боғламлардан ташкил топган.

Ҳосил куртаклар ривожланиб бир бўғим оралиғи – гулдор поя, бир ёндош барг ва мевабандда жойлашган битта учки гулга эга қисқа ҳосил шохга айланган. Баъзан ёндош барг, шунингдек мева новдаси қисман ёки тўлиқ қисқариб, кейинчалик генератив куртак қўлтиқ ости гулни ҳосил қилади. Вегетатив куртакларда ўсиш конуси кўпроқ қавариқ бўлиб, барг органларининг бир нечта бошланғич муртаклари – барг ва ёнбаргчалар билан ўралган. Генератив куртак муртагининг ўсиш конуси бирмунча яссиланган ва кенгайган, гул қисмларининг симметрик муртаклари – гулёнбарг, косачабарг ва бошқа органлари билан ўралган. Ҳосил куртакда 2 та барг куртаклари шаклланади. Одатда фақат битта гулёнбарг ва иккита гулёнбаргчанинг


бошланғич муртаклари ҳосил бўлади. Бу босқичда генератив куртак гулёнбарг, косачабарг, гултожибарг, уруғчи, чангчилари ва гулнинг барча қисмлари аниқ фарқланиб турадиган бошланғич ғунчага айланади. Гулбанд бу босқичда узаяди ва ингичкалашади, ғунчанинг учки қисми эса кенгая бошлайди. Шу билан бирга ягона бўғим оралиғида гулпоя ва жуфт ёнбаргчали гулёнбарг дифференцияланади. Барг қўлтиғи ва дастлабки ғунча орасида бир ёки икки бошланғич генератив куртаклар ҳосил бўлиб, поянинг юқори бўғимларида генератив коллатерал куртаклар устунлик қилиб, поянинг вегетатив апекси репродуктив ҳолатга ўтганда тўшгулининг ривожланиши орқали флорал апикал меристемага айланади (2-расм).



2 - расм. Ғўза (a^1 - v^1 , a^2 - v^2) ва соя (Γ^1 - e^1 , Γ^2 - e^2) нав, тизмалари асосий пояларининг учки апикал меристемасини анатомик тузилиши:
 a^1 - a^2 –Наманган-77; b^1 - b^2 –Детерминант-2; v^1 - v^2 –Детерминант-3; Γ^1 - Γ^2 – Дўстлик; d^1 - d^2 – Сочилмас; e^1 - e^2 – Генетик-1.

Шунингдек, мазкур бўлимда ғўза ва соя шакллариининг ғунчалаш фазасида асосий поядаги бўғимларнинг анатомик тузилишини ўрганиш асосида ғўзанинг индетерминант ва детерминант шаклларида уч боғламсимон, уч халқасимон типлиги, соянинг индетерминант, ярим детерминант ва детерминант шаклларида эса аниқланган бир боғламсимон, бир халқасимон типдаги характерли диагностик белгилар А.Л. Тахтажан (1954), Н.А. Анели (1962), С.Ф. Завалишина (1966) фикрларига кўра йирик таксономик белгилардан бири ҳисобланиб, систематикада ғўза ва соя турларини аниқлашда кенг фойдаланиш имконини беради. Шунингдек, куртак изларининг ҳосил бўлиши билан ҳам бир-биридан фарқланади. Ғўзанинг «Наманган-77» навида куртак изининг 1 та бўлиши, детерминант

типтаги тизмаларда – 2 тадан 4 тагача бўлишлиги, соянинг «Дўстлик» навида куртак изи 1 та, «Сочилмас» навида – 2 та ва «Генетик-1» навида эса 3 тадан 4 тагача куртак излари ҳосил бўлиши аниқланди. Шунинг таъкидлаш жоизки, мазкур ўрганилган ўсимлик шаклларида куртак излари қанча кўп бўлса, генератив органлар ҳам шунча кўп бўлишидан далолат беради (3-расм).



3 - расм. Ёўза (а¹-в¹, а²-в², а³-в³) ва соя (г-е) нав, тизмаларини асосий поядаги бўғимининг анатомик тузилиши кўндаланг кесикларда:


а¹- а³ – Наманган-77; б¹-б³ –Детерменант-2; в¹-в³ –Детерменант-3;

г – Дўстлик; д – Сочилмас; е – Генетик-1.

Ўўза ва соя шакллари поясининг учки қисми 1-2 бўғим оралиқларининг анатомик тузилишида уларнинг юмалоқ шакллилиги ва боғламсимон типлиги, бир хужайрали туклар ҳамда безсимон туклар билан қопланганлиги аниқланган. Бирламчи пўстлоқ паренхимаси эпидерма ва марказий цилиндр оралиғида жойлашган бўлиб, улар поя диаметрининг кўп қисмини эгаллайди. Эпидерма хужайраси юпқа деворли ва юмалоқ-овалсимон шаклли бўлиб, унинг остида 1-3 қатор хлорофилли субэпидермал хужайралар мавжудлиги ёўзанинг «Наманган-77», «Детерминант-2», «Детерминант-2» ҳамда соянинг «Дўстлик» навида аниқланган.

Ўўзанинг «Наманган-77» ва соянинг «Сочилмас» ва «Генетик-1» навларининг эпидерма хужайрасининг остида 1-4 қаторли бурчаксимон колленхима хужайраларининг жойлашганлиги аниқланган. Ўўзанинг «Наманган-77» навида марказий цилиндрнинг перифериясида меристема зоналарининг шаклланганлиги ва флоэмада луб толалари мавжудлиги, ўтказувчи боғламлар орасида оралиқ склеренхима хужайраларининг ҳосил бўлганлиги, мазкур новда поянинг иккиламчи йўғонлашиши кабилар

прогрессив мослашган белгилар эканлигидан далолат беради. Поянинг ўзак қисми кенг, юлдузсимон шакли бўлиб, изодиаметрик, юмалоқ шакли паренхима хужайраларидан ташкил топган. Ғўза шакллари поясининг ўзакдаги паренхима хужайраларининг таркибида кальций оксалатнинг кристалларидан иборат юлдузсимон цитоплазматик друзлар мавжудлиги аниқланган. Ғўза ва соя шакллари поясининг ўрта қисми кам тукли, шакли юмалоқ, боғламсимон типли тузилишга эга. Бирламчи пўстлоқ барча ўрганилган шаклларда сақланган. Эпидерма хужайраси остида 1-2 қатор хлорофиллсимон субэпидермал хужайралар жойлашган. Ғўзанинг «Детерминант-2» шаклидан ташқари қолган ғўза ва соя шаклларида субэпидерма хужайраларининг остида 1-6 қатор бурчаксимон колленхиманинг мавжудлиги аниқланган (4-расм).



4 - расм. Ғўза (а¹-в¹, а²-в², а³-в³, а⁴-в⁴) ва соя (г¹-е¹, г²-е², г³-е³, г⁴-е⁴) ўсимлик шакллари поясининг асосини анатомик тузилиши кўндаланг кесикларда:
а¹- а⁴ – Наманган-77; б¹-б⁴ – Детерминант-2; в¹-в⁴ – Детерминант-3; г¹- г² – Дўстлик; д¹- д² – Сочилмас; е¹- е² – Генетик-1.

Бирламчи пўстлоқ паренхимаси поя диаметрининг жуда кичик қисмини эгаллаган. Ғўза шакллариининг бирламчи пўстлоқ паренхима ва колленхима хужайраларининг орасида госсипол ажратма каналлари жойлашган. Соя шаклларида эса бирламчи пўстлоқ паренхимасининг орасида ва луб толаларининг остида сут йўллари жойлашган. Марказий цилиндрнинг бирламчи пўстлоқ паренхимаси билан бирлашган қисмида ғўза шаклларида трапециясимон ёғочлашган бирламчи луб толаларининг орасида иккиламчи луб ёки иккиламчи флоэма жойлашганлиги аниқланди. Соя шаклларида эса пўстлоқ паренхима хужайраларининг орасида бирламчи луб толаларининг шаклланганлиги аниқланган. Ғўза ва соянинг барча шаклларида камбий фаолияти туфайли кичикроқ тангентал шаклдаги иккиламчи радиал нурлар

ҳосил бўлганлиги аниқланган. Пояда бирламчи ўтказувчи боғламларнинг сақланганлиги, иккиламчи ўтказувчи боғламларнинг ораси склеренхима ва склерификацияланган паренхима хужайралари билан тўлганлиги аниқланган. Поянинг ўзак қисми кенг, изодиаметрик, юмалоқ паренхима хужайраларидан ташкил топган бўлиб, мазкур хужайраларнинг орасида сув сақловчи хужайралар мавжудлиги аниқланган. Ғўза ва соя шакллариининг поя асоси юмалоқ шаклли, боғламсимон типли тузилишга эгадир. Ўрганилган барча шаклларда бирламчи пўстлоқ паренхимаси сақланган бўлиб, эпидерма ва марказий цилиндр орасида жойлашган. Эпидерманинг остида 1-2 қатор хлорофилли субэпидерма хужайралари мавжудлиги, мазкур хужайралар остида 1-4 қатор бурчаксимон колленхима – ғўза шаклларида, пластинкасимон колленхима эса соя шаклларида аниқланган. Пўстлоқ паренхимаси ва колленхима хужайралари орасида госсипол ажратма каналлари ғўза шаклларида, сут йўллари эса соя шаклларида аниқланган (4-расм).

Марказий цилиндрнинг бирламчи пўстлоқ паренхимаси билан бирлашган қисмида ғўза шаклларида трапециясимон ёғочлашган бирламчи луб толаларининг орасида иккиламчи луб ёки иккиламчи флоэма жойлашганлиги аниқланди. Соя шаклларида эса пўстлоқ паренхима хужайраларининг орасида бирламчи луб толаларининг шаклланганлиги аниқланган. Ғўзанинг «Наманган-77» навида поянинг ёғочлик паренхимаси тарқоқ найли, апотрахеал типли – метатрахеал – 3-4 та кичик тангентал занжирсимон найлар гетерогенли радиал нурларгача етиб бориши ва вазицентрик тип қайд этилган. Ғўзанинг «Детерминант-2» ва «Детерминант-3» шаклларида поянинг ёғочлик паренхимаси тарқоқ найли, диффуз, метатрахеал, найларнинг радиал нурларгача етиб бормайдиган ва вазицентрик паратрахеал типлилиги, гомогенли радиал нурларининг чўзиқлиги ва танин моддаси билан тўлганлиги аниқланган. Соя шаклларида эса поянинг ёғочлик паренхимаси тарқоқ найлилиги, ўтказувчи боғламлар ораси склеренхима ва склерефикациялашган паренхима хужайралар билан тўлганлиги кузатилган. Поядаги радиал нурлар гомоген типлилиги, бир хил чўзинчоқ хужайралардан ташкил топганлиги ва ошловчи моддалар билан тўлганлиги аниқланган. Ғўзанинг детерминант тизмаларида ва соянинг «Дўстлик» ва «Сочилмас» навларида поянинг ёғочлик қисми (либриформ) «Наманган-77» ва «Генетик-1» навларига қараганда поянинг катта қисмини эгаллаган. Поянинг ўзак қисмидаги изодиаметрик, юмалоқ паренхима хужайралари орасида сув сақловчи хужайралар мавжудлиги аниқланган (4-расм).

Ғўза ва соя шаклларида асосий поя ярусларининг анатомик тузилишини қиёсий таҳлил қилиш асосида характерли диагностик белгилар, шунингдек, қадимий ва ёш белгилари аниқланган. А.Л. Тахтаджяннинг (1948) фикрига кўра, поядаги ёғочликнинг тарқоқ найли типлилиги, ёғочлик паренхимасининг апатрахеал типлилиги ва госсипол ажратма каналларининг мавжудлиги қадимий белги ҳисобланиб, индетерминант шаклларда устунлик қилиши аниқланган. Поядаги радиал нурларнинг эволюцияси бўйича радиал

нурларнинг гетероген типдан гомоген типга ўзгариши (Тахтаджян ва б., 1954) ёш белги ҳисобланиб, шунингдек, ёғочлик паренхимасининг паратрахеал типлиги детерминант шаклларда устунлик қилиши аниқланган. Бу эса детерминант типли ўсимликларнинг яшаш шароитига яхши мослашаётганлигидан далолат беради.

ХУЛОСАЛАР

«Ёўза ва соя ўсимликларини детерминант типда ўсишининг генетик табиати ва анатомик тузилиши» мавзусидаги фалсафа доктори (PhD) диссертацияси бўйича олиб борилган тадқиқотлар натижасида қуйидаги хулосалар тақдим этилди:

1. *G. hirsutum* L. ёўзада барг шаклларининг фенотипик намоён бўлишида In^1-in^1 , O_1 , $O_1^s-o_1$ асосий генлар ва $O_{11}-o_{11}$ $O_{12}-o_{12}$ ёрдамчи генларнинг иштирок этиши, бу генларнинг генотипда ҳар хил аллелларни ҳолатига қараб – 9 та фенотипни ҳосил бўлиши: яхлит баргли ($In^1In^1O_1^sO_1^s$ –ланцетсимон, $In^1In^1O_1O_1$ – тухумсимон, $In^1In^1o_1o_1$ – думалоқ), уч бўлакли ($In^1in^1o_1o_1$ – уч киртикли, $In^1in^1O_1o_1$ – уч кесилган, $In^1in^1O_1O_1$ – уч қирқилган, $In^1in^1O_1^sO_1^s$ – уч қирқимли) ва беш бўлакли ($in^1in^1o_1o_1$ – беш киртикли, $in^1in^1O_1o_1$, $in^1in^1O_1^sO_1^s$ – беш кесилган, $in^1in^1O_1O_1$ – беш қирқимли, $in^1in^1O_1^sO_1^s$ – ўта беш қирқимли) аниқланди.

2. Ҳосил шохларини (симподия) асосий ген $S-s$ ҳамда ёрдамчи генлар S_1-s_1 , S_2-s_2 назорат қилиб, асосий генни доминант аллеллари чекланмаган, рецессив аллеллари чекланган фенотипни, ёрдамчи генларнинг доминант аллеллари сони биринчи бўғини узунлигига кўра I, II, III, IV кенжа типдаги фенотипни намоён қилиши аниқланди. Илк бор *G. hirsutum* L. турида асосий ҳамда ёрдамчи генларни рецессив гомозигот ҳолатга келиши – $sss_1s_1s_2s_2$ ёўзада «0» типдаги, худди *G. barbadense* L. туридагидек ҳосил шохли ўсимликларни фенотипик намоён қилиши исботланди.

3. Барг шаклини фенотипик таъминлашда иштирок этадиган In^1-in^1 генни доминант гомозигота ҳолати (In^1In^1) ҳамда ҳосил шохларни асосий генни рецессив гомозигот ҳолати (ss), ўсимликни апекс қисмида 3-4 ғунча, кўсак билан тугаб, детерминант типда ўсишига олиб келди. Ҳосил шохни таъминловчи асосий генни доминант гомозигот ёки гетерозигот ҳолатда In^1In^1SS , In^1In^1Ss бўлиши, поя апексини ғунча, кўсак билан тугалланмай, 2-3 та новдачага айланиб, шоналаш – гуллаш босқичида детерминант фасциация фенотипда бўлиши аниқланди.

4. In^1-in^1 генни доминант гомозигота ҳолати ҳамда ҳосил шохни ривожланишида иштирок этаётган асосий генни рецессив гомозигот генотипли In^1In^1ss , ёрдамчи S_1-s_1 , S_2-s_2 генларни генотипда қандай ҳолатда бўлишидан қатъий назар ҳосил шохли фенотип жихатдан худди *G. barbadense* L. туридагидек «0» типда бўлишлиги, In^1In^1 ген ss генни экспрессиясини фенотипик намоён бўлишига йўл бермаслиги, ҳосил шохни чекланмаган ҳолатини фенотипик намоён қилишини таъминловчи асосий геннинг

доминант аллеллари SS, Ss экспрессиясига таъсир қилмаслиги ва ҳосил шохлар чекланмаган фенотипда ривожланиши исботланди.

5. Соя ўсимлиги поясининг ўсишини икки аллел бўлмаган Dt_1-dt_1 , Dt_2-dt_2 генлари назорат қилади. Бу генлардан Dt_1 гени доминант аллели бошқа генларни аллел ҳолатидан қатъий назар индетерминант типда ўсувчи пояни ривожлантиради. Бу генларнинг рецессив гомозигот ҳолати ($dt_1dt_1dt_2dt_2$) ўсимликнинг ҳақиқий детерминант типда ўсишини, $dt_1dt_1Dt_2Dt_2$ ҳолати ярим детерминант типни ривожланишини таъминлайди.

6. Ғўза ва соя ўсимлик шаклларида поянинг апикал меристемасини анатомик тузилиши асосида апикал меристемада вегетатив ва генератив куртакларнинг ривожланганлиги, индетерминант шаклларда учки апикал вегетатив куртаклар ривожланиб, пояни вегетация давомида ўсишдан тўхтамаслиги, детерминант шаклларда генератив куртаклар репродуктив ҳолатини ривожлантириб, пояда муртак тўпгулли коллатериал генератив куртакларни шаклланиши ва флорал апикал меристемага айланиши, поянинг ўсишдан тўхташи ҳамда генератив органларни ҳосил бўлиши аниқланди.

7. Ғўза ва соя ўсимлик шакллари асосий поясидаги бўғимларнинг анатомик тузилиши ғўза шаклларида уч боғламсимон, уч ҳалқасимон типлиги, соя навларида эса бир боғламсимон, бир ҳалқасимон типлиги доимий йирик таксономик белги ҳисобланиб, систематикада кенг фойдаланилиши, шунингдек, бўғимларда куртак излари қанча кўп бўлса, генератив органлар ҳам шунча кўп бўлиши билан изоҳланади.

8. Ғўза ва соя ўсимлик шакллари асосий поя ярусларининг анатомик тузилишини ўрганиш асосида характерли диагностик белгилар аниқланди. Шунингдек, индетерминантлар поясида қадимий белгиларнинг устунлик қилиши, детерминант типларда эса ёш белгиларнинг устунлик қилиши ва яшаш шароитларига яхши мослашганлигидан далолат беради.

9. Тадқиқот далиллари натижасига кўра, ғўза ва соя ўсимлигида поянинг ўсиш типлари аналогик ҳолатда бўлиб, Н.И Вавилов таъкидлаганидек, ҳар бир ўсимлик хусусий генетикасини ўрганиш, ўсимликларнинг таксономик ҳолатидан қатъий назар, уларнинг геном тузилишини ўрганиш, уларда параллел гомологик ҳамда аналогик ўзгарувчанлик, асосан, ҳар хил белгиларни таъмин этувчи генларнинг ўзаро таъсири натижасида ҳар хил фенотип кўринишда бўлиши аниқланди.

**НАУЧНЫЙ СОВЕТ DSc.02/30.12.2019.В.53.01 ПО ПРИСУЖДЕНИЮ
УЧЕНЫХ СТЕПЕНЕЙ ПРИ ИНСТИТУТЕ ГЕНЕТИКИ И
ЭКСПЕРИМЕНТАЛЬНОЙ БИОЛОГИИ РАСТЕНИЙ**

АНДИЖАНСКИЙ ГОСУДАРСТВЕННЫЙ УНИВЕРСИТЕТ

ЮЛДАШЕВ АКМАЛ АХМАДЖОНОВИЧ

**АНАТОМИЧЕСКОЕ СТРОЕНИЕ И ГЕНЕТИЧЕСКАЯ ПРИРОДА
ДЕТЕРМИНАНТНОГО ТИПА РОСТА РАСТЕНИЙ
ХЛОПЧАТНИКА И СОИ**

03.00.09 – Общая генетика

03.00.05 – Ботаника

**АВТОРЕФЕРАТ ДИССЕРТАЦИИ ДОКТОРА ФИЛОСОФИИ (PhD)
ПО БИОЛОГИЧЕСКИМ НАУКАМ**

Ташкент - 2021

Тема диссертации доктора философии (PhD) по биологическим наукам зарегистрирована в Высшей аттестационной комиссии при Кабинете Министров Республики Узбекистан за № В2020.4.PhD/B188.

Диссертационная работа выполнена в Андижанском государственном университете.

Автореферат диссертации на трех языках (узбекский, русский, английский (резюме)) размещён на веб-странице Научного совета (www.genetika.uz) и Информационно-образовательном портале «ZiyoNet» (www.ziynet.uz).

Научные руководители:

Абзалов Мирадхам Фузаплович

доктор биологических наук, профессор

Дусчанова Гулжан Мадримбаевна

доктор биологических наук

Официальные оппоненты:

Ахмедов Жамолхон Ходжахонович

доктор биологических наук, профессор

Хамраева Диловар Толибджонова

доктор биологических наук

Ведущая организация:

**Национальный университет Узбекистана
имени Мирзо Улугбека**

Защита диссертации состоится «29» апреля 2021 г. в 13⁰⁰ часов на заседании Научного совета DSc.02/30.12.2019.B.53.01 при Институте Генетики и экспериментальной биологии растений (Адрес: 111226, Ташкентская область, Кибрайский район, пос. Юкори-юз, Зал заседаний Института генетики и экспериментальной биологии растений. Тел.: (+99871) 264-23-90, факс: (+99871) 264-23-90, e-mail: igebr@academy.uz.)

С диссертацией можно ознакомиться в Информационно-ресурсном центре Института генетики и экспериментальной биологии растений (зарегистрировано за номером 262). (Адрес: 111226, Ташкентская область, Кибрайский район, пос. Юкори-юз. Тел.: (+99871) 264-23-90.)

Автореферат диссертации разослан «16» апреля 2021 года
(реестр протокола рассылки № 35 от «16» апреля 2021 года)



[Handwritten signature]

И.Дж. Курбанбаев

Председатель Научного совета по присуждению учёных степеней, д.б.н.

[Handwritten signature]

Б.Х. Аманов

Ученый секретарь научного совета по присуждению учёных степеней, д.б.н., старший научный сотрудник

[Handwritten signature]

Ш. Юнусханов

Председатель научного семинара при научном совете по присуждению ученых степеней, д.б.н., профессор

ВВЕДЕНИЕ (аннотация диссертации доктора философии (PhD))

Актуальность и востребованность темы диссертации. В мире хлопчатник считается одним из самых важных сельскохозяйственных технических растений.³ По продовольственным и сельскохозяйственным данным ООН, растение сои (*Glycine max* L.) составляет 126,3 млн. гектаров посевной площади и дает 357,1 млн. тонны урожая¹. Вместе с этим, выращивание сортов сои и хлопчатника в мировых масштабах имеет важное практическое значение для увеличения урожайности с единицы площади посева, а также для ценных сельскохозяйственных показателей в устойчивости к вредным и стрессовым факторам внешней среды, повышению экономической эффективности.

В мире, путём использования генетического разнообразия культурных сортов хлопчатника и сои, уделяется большое внимание научным исследованиям направленным для улучшения морфо-хозяйственных форм индетерминантных, полудетерминантных и детерминантных их типов. При этом, особое внимание уделяется приоритетным направлениям по созданию новых промышленных сортов хлопчатника и сои, приспособленных к густому посеву, наследственности типа роста и наследственных морфо-хозяйственных признаков, анализ морфо-анатомического строения стебеля, скороспелости, урожайности, определение свойств управления наследственности в выходе волокна, анализ взаимодействия неаллельных генов, устойчивости к стрессовым факторам внешней среды, сбору с помощью техники, создание новых сортов, пригодных для промышленности.

В последние годы в нашей республике на основе широкомасштабных мероприятий по созданию сортов хлопчатника и сои, приспособленных к густому посеву, в хлопководстве и выращивании бобовых растений были достигнуты определенные результаты по созданию сортов хлопчатника и сои с показателями высокоурожайности, устойчивости к стрессовым факторам внешней среды со стороны наследственности и их внедрение в производство. В Стратегии действий по дальнейшему развитию Республики Узбекистан особо отмечается, что «расширение научно-исследовательских работ по созданию и внедрению в производство новых селекционных сортов сельскохозяйственных культур, устойчивых к болезням и вредителям, адаптированных к местным почвенно-климатическим и экологическим условиям»². Исходя из этих задач, при создании сортов хлопчатника и сои, направленных на изучение генетических, селекционных, анатомических, а также морфобиологических свойств фундаментальных исследований имеет актуальное, важное значение.

Данное диссертационное исследование в определенной степени служит выполнению задач, предусмотренных в Указе Президента Республики Узбекистан УП-4947 «О стратегии действий по дальнейшему развитию

¹ОЭСР / ФАО 2019 база данных DOI: dx.doi.org/10.1787/agr-outl-data-en

²Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида» ги Фармони.

Республики Узбекистан» от 7 февраля 2017 года, УП-5418 «О мерах по коренному совершенствованию системы государственного управления сельским и водным хозяйством» от 17 апреля 2018 года, УП-5742 «О мерах по эффективному использованию земельных и водных ресурсов в сельском хозяйстве» от 17 июня 2019 года, Постановлении Президента Республики Узбекистан ПП-2832 «О мерах по организации посева сои и увеличению возделывания соевых бобов в республике на 2017-2021 годы» от 14 марта 2017 года, а также в других нормативно-правовых документах, принятых в данной сфере.

Соответствие исследования приоритетным направлениям развития науки и технологий республике. Данное исследование выполнено в соответствии с приоритетным фундаментальным направлением развития науки и технологий Республики V. «Сельское хозяйство, биотехнология, экология и охрана окружающей среды».

Степень изученности проблемы. В научных работах приведены данные по получению низкорослых и приспособленных к густому посеву сортов хлопчатника S.O. Cowlick (1972), Д.Д. Брежнева (1973; 1974), А.М. Гусейнова, А.Н. Гусейнова (1976), S.O. Davis (1978), изучением генетики и физиологии формы листа хлопчатника T.R. Richmond, R.E. Harper (1973), S.G. Stephens (1945), X.A. Абдуллаева (2001; 2013), в научных трудах ученых нашей республики Д.А. Мусаева (1979), М.Ф. Абзалова (2010) приведены данные по развитию волокна и волос у вида *G. hirsutum* L., по селекции хлопчатника X. Сайдалиева (2018), исследованию строения куста, типа роста главного побега, типа ветвления, формы листа и их генетики Д.А. Мусаева (1979; 1983; 1990; 1992), М.Ф. Абзалова (1983; 1991; 2010), А.А. Абдуллаева (1974), У.К. Наджимова (1983), Г.Н. Фатхуллаева (1983), З.Р. Хаитова (1991), М.С. Мирахмедова (1994), С.Ф. Бобоев (2018), М.Ф. Санамян (2018), изучением морфо-анатомического строения диких и культурных видов хлопчатника В.П. Клят (1984, 1985), А.С. Дариева (1975, 1976, 1980), А.С. Дариева, А.А. Абдуллаева (1974, 1985), А.Ш. Маматюсупова (2006), А.А. Абдуллаева, А.С. Дариева, М.В. Омельченко (2010), Н.В. Тутушкиной (2017).

